
Фуқаро мурожаати ўрганилди

Телеграм ижтимоий тармоғи орқали тумандаги 11-умумий ўрта таълим мактабида ойлик тўлови 350 минг сўмдан фаолият олиб бораётган тўгаракнинг ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб борилаётганлиги тўғрисида тарқалган мақола юзасидан туман халқ таълими бўлими томонидан тузилган ишчи гуруҳ масалани жойига борган ҳолда ўрганди.

Ўрганиш натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди. Хусусан мазкур таълим муассасасининг бўш турган бино ва дарс ўтиш хоналарида дарсдан ташқари вақтларда таълим муассасаси билан тузилган ижара шартномасига асосан Хурматилло Тожалиев раҳбарлигидаги “AXB START” нодавлат таълим муассасаси томонидан мактаб ўқувчилари ва ҳудуд ёшларига аниқ фанлар, чет тиллари тўгараклари ва спорт тўгаракларида машғулотлар ўтказиб келинмоқда.

Таълим муассасасининг ҳужжатлари кўздан кечирилганда барча ҳужжатлар қонуний расмийлаштирилганлиги ҳамда тегишли масъул ташкилотлардан белгиланган тартибда ҳулосалар олинганлиги аниқланди.

2022-10-10 16:07:59